



NGT

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Табий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

ШАРТНОМАСИ

10/02-010/1

2021 йил 18. Январ

-сон

Қарағек

(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Махалло КММ ширкати
РАСТА КОЛЛОН-ЛУ УСТАЎИ (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Г. Қудратбергенов,
(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Г. Қудратбергенов.

томондан ҳамда Низом ва 2021 йил 5 "Январ" да берилган 03-19-03/39 бир
ишоннома асосида фаолият юритувчи "Қўرғун газ чикариладиган ширкати"
(газ таъминоти таъқилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади),
раҳбари Х. А. Имомов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида
мазкур шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган хажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.
- 1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертифицикага эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.
- 1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ хажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ хажми техник шартларда белгиланган босим ва хажмда 20 йилда куб.м, нархи минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	минг.м3, январь	5303	февраль	3787	март	3030
II чорак	минг.м3, апрель		май		июнь	
III чорак	минг.м3, июль		август		сентябрь	
IV чорак	Минг м3, октябрь		ноябрь		декабрь	

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмида кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоли тармоқларининг ишлаши издан чиккан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қароридан қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчиларга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми _____ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагини ташкил қилади:

I чорак	_____ минг куб.м,	январь	_____ февраль	_____ март
II чорак	_____ минг куб.м,	апрель	_____ май	_____ июнь
III чорак	_____ минг куб.м,	июль	_____ август	_____ сентябрь
IV чорак	_____ минг куб.м,	октябрь	_____ ноябрь	_____ декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимилашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолнинг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимоловчи газ қувурларининг технологик иш режимида бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилғи туридан фойдаланишга ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимилаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимилаш ва истеъмол қилиш режимида ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансидан бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шартда 1 м³ газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шартда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шартдаги автоматик равишда келтириладиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансидан бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёrlарга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳамжини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида ғайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг микдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашши ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан қўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан қўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманиннг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давриддан қўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати туғанда – киёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати туған кундан киёслов кўригидан ўтказиш муддати туған кундан киёслов кўригидан қўп бўлмаган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ўқиш приборини киёслов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўриқ ўқиш газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давриддан қўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охириги кўриқ ўқиш газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ўқиш ГТПларида асбо-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўриқ ўқиш газ

истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ГТХНАТ-АСКУГ) ларига улайтиш лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёқилги ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёқилги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий киёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг киёслов кўригидан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини киёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигидан метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мослашасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (киёслоаш кўриги/калибрлаш, торайтириш мослашасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси қақиради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишалади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ХИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

- 4.1. Истемолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.
- 4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги конунчиликка мувофиқ белгиланади.
- 4.3. Истемолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истемолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истемолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истемол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойнанинг охиригача амалга оширилади.

- 4.4. Истемолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.
- 4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истемолчига газ етказиб берилмайди (стратегик қорхоналар ва ижтимоий аҳамиятта эга истемолчилар бундан мустасно).
- 4.6. Истемолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истемол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.
- 4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эга Истемолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадидлар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истемолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истемолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўл ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффицент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва соzлибни мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истемолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чақмоқ, қисқа туташуш ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истемол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлиқ қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истемол қилиш ҳолатлари аниқланганда— ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланмаган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истемолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истемол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истемолчи ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса — газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марга бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) таъмирлаш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истемолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантурувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) — бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истемолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг меъёрӣ-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовнинг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг ишончлигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлиналарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиши ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истемолчи томонидан, соz ҳолатда бўлганда эса — экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиқканда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истемолчи 24 соат ичида Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқши ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z Dst 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини ҳабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланамаганда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорига, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичлари ёзиб олиш (ПТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизмаглар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орақали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон ҳисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи оyiнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчида ҳисоб-китоб оyi учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириши йўли билан ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиши имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб,

уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувавт билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (наҳслар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орақали ҳабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйлиши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмаган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ, Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилгунига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;

- Етказиб берувчи вакиллари газдан фойдаланиш ускуналари ва ҳисобга олиш қурилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қардорлик мавжуд бўлганда;

- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олдидан тўловлар амалга оширилмаганда;

- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;

- ҳисоблаш приборларига қасддан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартiriш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар амалга оширилган ҳолатларда;

- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиш;

- Газдан фойдаланиш қондаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабузарликлар ёхуд газни талон-тароаж қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги конунчиликка мувофиқ Истеъмолчидан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баравари микдорида ҳақ ундирилади. Шартномаининг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) ларига уланган истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи қуйдагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан таъмирлаш-тисклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истеъмолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш ускуналарида олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камида уч йил мобайнида ўзида сақлашишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини кўшимча оғоҳлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг руҳсатсиз истеъмол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тароҳ қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш;

- табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка мuddат ичида алмаштириш; Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйдаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечитириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни оғоҳлантирмастан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан оғоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакиллари ва “ўзнефтвазспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўққонлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТТХНАТ-АСКУТ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиши.

7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда қўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоги тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

в) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганда;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1 бандларида кўрсатилган ҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдорда жарима қўлланди.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киши даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатида киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муқддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорда, бироқ етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муқддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муқддати ўтган ҳар бир кун учун муқддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, бироқ муқддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муқддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишли судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида қуттилмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошқини, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмайд қолганда жавобгарликка жалб этилмагандан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабтларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили 2022 йил 31 декабр санасига амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги "Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг I-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ИСТЕЪМОЛЧИ»	«ИСТЕЪМОЛЧИ»
«ЕПКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Худудий Кораксалиқистон»	«ИСТЕЪМОЛЧИ» <u>Маҳалло ҳамма ислам маркази</u> <u>солмак-кудратков Тошкент</u> (бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)
Манзил: Тел.факс: Нукус шаҳри, Бердах гузари №179	Почта манзили: _____
КТИУТ коди _____	ОКПО коди <u>89651873</u>
ХХИУТ _____	ОКЭД <u>2412</u>
Боғланиш телефони: 0361 224-04-08, 224-00-59, 224-02-43	Мулоқот телефони <u>61-465-45-76</u>
х/р: _____	Ғал/х _____
Банк номи: «Ўзсаноатқурилиш банк Раҳат филиали»	Банк номи: <u>Мор Лефані банк</u> <u>Т. Тошкент.</u>
МФО: 00435	МФО <u>00014</u>
ИНН: 306605769	ИНН <u>207 816 584</u>
Х/Р _____	Ш/Х <u>100001603521101101259001</u>
Раҳбар: <u>Х.А.Ишқов</u> (ф.и.ш.)	Раҳбар: _____ (ф.и.ш.)
Раҳбар: _____ (ф.и.ш.)	Раҳбар: _____ (ф.и.ш.)
Мурх урши: _____	Мурх урши: _____

Юридик маслаҳатчи хулосаси:

Ахмедов И.С.
(ф.и.ш.)

М.С.
(ф.и.ш., муҳр)

28.1.2022
(сан)

202_ йил «__» _____ дати
_____ -сон шартномага
ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари
РҲЙХАТИ

Фаолият тури: оғир

Катастр № _____

Табилый газ тарифи 660 сум _____ тийили

т/р	Корхона, участка, иёқ номи	Агрегатлар		.Лоикавий газ сарфи, м ³ /субомт	Газин хисобга олини приборларининг турлари
		номик	сонин		

Келинган:



Ижрочи _____
Мухр Урки

(Ф.И.Ш.)



Ижрочи _____
Мухр Урки